



БАДИИЙ ТАРЖИМАДА АДЕКВАТЛИК ВА ЭКВИВАЛЕНТЛИК МАСАЛАСИ

Мунаввар Курбанова Эсоналиевна

Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари Университети

3-курс таянч докторанти

(+998977801721)

kurbanovamunavvar1989@mail.ru



Аннотация:

Ушбу мақола асар таржимасида адекватлик ва эквивалентликка эришининг назарий таснифига қаратилган. Бадиий таржима ҳам ижодкорликнинг бир кўриниши саналади. Бадиий таржима жараёнида бир тилда ёзилган асар бошқа тилда имкон қадар муаллиф матнидаги нозик қирраларини сақлаб қолган ҳолда қайта яратилади. Шундай экан биз мазкур жараёндан олинган натижалар асосида аслият тилида ёзилиб, ўзга тил воситалари билан қайта яратилган бадиий назарий жиҳатдан тадқиқ этамиз.

Калит сўзлар:

Бадиий таржима, адекватлик, эквивалентлик, муаллиф услуги, аслият, таржима матни, таржима трансформациялари.

Кириш:

Маълумки, муаллиф ва ўқувчи мулоқоти ўртасида оралик бўғин яъни таржимон пайдо бўлади у муайян асарни ўзга тил адабиётига олиб кириш ва чет тилида асар ёзган муаллифни ўз ҳамюртларига таништириш каби масъулиятларни ўз зиммасига олади. Стратегик нуқтаи назардан у таржима жараёнида асарга ўз маданияти, шахсияти, индивидуал фалсафаси элементларини кўшиш, аслиятга ўзгартириш киритиш орқали таржимон-хаммуаллиф вазифасини ўташи мумкин. Бундан ташқари, таржимон аслият муаллифнинг индивидуал ғоялари, услуги, маданияти ва шахсиятини имкони борича сақлаб қолишга интилиш орқали таржимон-медиатор вазифасини ҳам бажариши мумкин. Стратегик вазиятлардан ташқари ҳолларда таржимада услубнинг муаллифлик “белгилари” ҳам учраши мумкин.

Асосий қисм:

Таҳлил жараёнида таржима қилинаётган бадиий асардаги интерпретациянинг ва репродукциянинг улушларини объектив белгилаб олиш, бадиий яхлитлик тизимига путур етказмасдан аслият муаллифининг индивидуал услуги “белгилари”ни аниқлаш ва таржимада сақлаб қолиш каби вазифалар таржимон олдида кўндаланг туради. Бунга ўша муаллифнинг матнлари корпусига ҳамда унинг индивидуал услуги ҳақида маълумот берувчи бошқа қўшимча манбаларга мурожаат этиш орқали эришиш мумкин. Таржимонга аслият муаллифининг индивидуал услубини таржима жараёнида тўғри аниқлаш ва уни сақлаб қолишга изн берувчи аниқ алгоритмлар керак бўлади.

«Таржиманинг мақсади – мақсадли (таржимон) таҳлилига тортилган бирламчи матн асосида бошқа лисоний ва маданий муҳитда бирламчи саналган иккиламчи матнни яратишдан иборат»¹. Аксарият тадқиқотчилар таржимон интерпретатор ролини ўтовчи маълум матнни қабул қилувчи ва таҳлил этувчи дастлабки коммуникант сифатида бирламчи ва иккиламчи коммуникатив вазиятнинг таржимада мавжудлиги билан боғлиқ таржима жараёнининг икки даврли хусусиятини ажратиб кўрсатишади. Иккиламчи коммуникатив вазиятда эса энди ўқувчи интерпретатор ролини бажаради ҳамда унинг учун тайёр таржиманинг матни объект ҳисобланади.

Таржима жараён сифатида аслият матнининг мазмунини сақлаб қолиши лозим. Бироқ кўп ҳолларда таржимон мазмунни сақлаб қоларли даражада таржима қилмайди. Мана масалан, ортиқча субъективизм интерпретация натижаси ўлароқ акс этирилмаган, таржима қилинган матнда у тўлиқ ифодаланиши мумкин. Интерпретатор-ўқувчи учун эса тайёр таржима матни ягона манба саналгани боис, у одатда таржима жараёнида рўй берган маъно ва мазмун ўзгаришларини таҳлил эта олмайди, таҳлил этишга ҳаракат ҳам қилмайди. Худди мана ҳолатдан тадқиқотимиз мавзуси саналган табиий савол туғилади: таржимада ҳам биз аслият муаллифини фикрларини ўқияпмизми ўзи?

Ҳар қандай интерпретация жараёнида мазмун силжишини бутунлай бартараф этиб бўлмайди, албатта, таржимада ҳам ўз-ўзидан буни четлаб ўтишнинг иложи йўқ. Бунга у ёки бу асарнинг турли таржимонлар томонидан қилинган таржималарини қиёслашларини, автотаржима матнларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Семантика ва услубдаги яқинлик, аслият ҳамда таржима матнларининг ўхшашлиги таржиманинг мақсадини ҳисобланади. Таржима назариясида бир бирига ўхшаш тушунчалар борлигини таъкидлаш жоиз, уларнинг асосида эса мазмуннинг мослиги, умумийлиги, аслият ва таржима матнининг яқинлиги яъни адекватлик ва эквивалентлик каби тушунчалар ётади.

Турли тадқиқотчилар таржима учун ўта долзарб саналган адекватлик тушунчасини турлича талқин қилишади ҳамда табиийки, адекватликнинг турфа хил мезонларини илгари суришади.

Агар адекватлик “таржима мақсади ҳам ўз навбатида инобатга олинган дастлабки ва якуний матнларнинг ўзаро алоқадорлиги, аммо бу алоқадорлик таржимага жараён деб қарайдиган ҳамда эквивалентликдан фарқли ўлароқ адекватлик талаблари максимал эмас, балки оптимал хусусиятга»² эга бўлса, у ҳолда таржима ва интерпретация жараёнларини боғловчи адекватликнинг муҳим мезонини тақлиф этишни истардик. Бунда «яхлит матн борасидаги тасаввурларни бир текисда боғланганлиги яъни катта ҳажмдаги яхлитлик даражасида матнни ўзгача тушунишдан ҳосил бўладиган мазмунан кўп планлилик эффектларини таржимада сақлаб қолиш талаб этилади»³. Бошқача қилиб айтганда, адекватлик аслиятнинг сюжет-композицион, лексик ва грамматик меъёрларини мумкин қадар сақлаб қолишни талаб этади. Таржимада аслиятнинг индивидуал стилистик ўзига хослигини сақлаб қолишни эса адекватликнинг мезони деб ҳисоблаш ўринли.

Эквивалентлик эса таржимага назарий жиҳатдан таъриф беришда ва унинг моҳиятини аниқлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Ж.Кетфорднинг фикрича, матннинг таржима эквивалентлиги деб “аслият шаклига эквивалент саналган таржима тилининг ҳар қандай шаклига айтилади яъни таржима матнида предметли ёки

¹ Швейцер А.Д. Перевод и лингвистика. - М., 1973. - 75 с.

² Швейцер А.Д. Перевод и лингвистика. - М., 1973. – 92-99 с.

³ Комиссаров В.П. Общая теория перевода: Проблемы переводоведения в освещении зарубеж. – М. : ЧеРо : Юрайт, 2000. - 26 с.

референциал вазият акс эттирилиши лозим»⁴. Таржима эквивалентлигини алоҳида шаклларни қиёслаш даражасида тадқиқ этиш мумкин.

Эквивалентлик – матн меъёрларга морфологик ёки синтактик даражада мослик. Адекватлик эса – таржиманинг аслият билан бутун матн давомида мос келиши яъни аслиятнинг индивидуал услубига мос келиши талаб этилади.

Бизнингча, мутлақ адекватлик бўлиши мумкин эмас. Биринчидан, ҳар бир таржимоннинг ўзи бир индивидуал шахс ва таржимон ижодда ўзининг “мен”ига урғу бериб ўтишни истайди. Натижада, таржимада аслият муаллифининг эмас, балки таржимоннинг бадиий услуби кўпроқ кўзга ташланади. Шу сабабли, таржима трансформацияларидан қочиб қутулиб бўлмайди, чунки турли тилларнинг тузилишидаги фарқлар ва таржимоннинг шахсий хусусиятлари бунга йўл қўймайди.

«Таржима трансформациялари кам сонли ҳамда сифат жиҳатидан турлича бўлган таржимада эквивалентликка эришиш учун иккала тилда ҳам мавжуд шаклий ва семантик тизимлардаги турфа хилликка қарамай фойдаланиладиган тиллараро ўзгариш ҳисобланади»⁵.

Таржима трансформацияси – бу аслият ва таржима матнининг шакл ва мазмун компонентларини ўзгартириш. Шакл борасидаги ҳар қандай трансформациялар мазмун трансформациясига олиб келади. Таржима трансформацияларининг муайян турлари мавжуд: компонентлар даражасидаги грамматик трансформациялар, шунингдек, референциал даражадаги трансформациялар. Грамматик трансформацияларда иборанинг шаклий таркиби ўзгаради, аммо бунда таржимон унинг мазмунидан четга чиқмасликка интилади. Шундай қилиб, таржима трансформациялари мазмунни “қайта ифода этиш”нинг тиллараро операцияси ҳисобланади.

Бадиий таржима фаолият тури сифатида адабий ижодкорликнинг бир кўриниши саналади, бу жараёнда маълум бир тилда ёзилган асар бошқа тилда имкон қадар муаллиф матнига яқин қилиб, унинг барча нозик қирраларини сақлаб қолиш орқали қайта яратилади. Ўз ўзидан биз мазкур жараёндан олинган натижаларни, аслият тилида ёзилган ва ўзга тил воситалари билан қайта яратилган бадиий асарларни тадқиқ этамиз.

Словакиялик олим Ф. Миконинг таъбирича, “таржима – бадиий асар мавжудлигини таъминловчи шакллардан бири”⁶. Бу ерда, албатта, гап бадиий таржима ҳақида бормоқда. Бадиий асарларнинг таржимаси ўқувчилар томонидан аслиятдаги асар сифатида қабул қилинади.

Уни “ўзиники” ва “ўзганики” деган тушунчалар тўқнашган нуктадаги адабиётнинг махсус қатлами сифатида идрок этиш ҳар доим ҳар бир ўқувчининг ўзига боғлиқ бўлади. Первушина Е.А. ўзининг «Художественный перевод как проблема сравнительного литературоведения» (Бадиий таржима қиёсий адабиётшуносликнинг масаласи сифатида) деб номланган ишида жаҳон адабиёти контекстида муайян миллат узра алоҳида ўрин эгалловчи таржима қилинувчи адабиёт тушунчаси борасида сўз юритади⁷. Бироқ таржима қилинувчи асарни тушунишдаги ва унинг вазифасидаги барча фарқларга қарамай, асарда ҳар доим иккита элемент мавжуд бўлади: унинг сўз санъатига тегишлилиги (миллий адабиёт билан умумийлик) ва унинг “ўзга тилдан” келиб чиқиши (таржима санъати билан боғлиқ бўлиб, у миллий адабиётдан фарқ қилади).

⁴ Псурцев Д.В. К проблеме перевода и интерпретации художественного текста: об одном критерии адекватности Перевод и дискурс. Вестник МГЛУ (Выпи. 463). - М.: МГЛУ, 2002. - С.16-26

⁵ Швейцер А.Д. Перевод и лингвистика. - М., 1973. - 190 с.

⁶ Большой Академический Словарь Русского Языка. Т.1,3. / Российская академия наук, Институт лингвистических исследований. – М.: СПб.: Наука, 2004. – С. 42.

⁷ Бондарко, А. В. Грамматическое значение и смысл. – Л.: Наука. Ленинградское отделение, 1978. – С. 14.

Хулоса:

Таржимани янги тил муҳиtida адабий асар сифатида тушуниш ортида уни яратилиш жараёнлари ва унинг яратувчиси бўлган таржимон сиймоси, шунингдек, ушбу асарнинг янги аудиторияга таъсири ва таъсир ўтказиш объекти каби омиллар ётади. Таъсир ўтказиш объекти деганда нафақат индивидуал ўқувчини, балки умуман таржимани амалга оширган миллатнинг бутун адабиётини ҳам тушуниш лозим.

Таржима ўзга тил муҳиtida сўз санъатининг мустақил асари сифатида фаолият олиб боради ва фақат ўша тил муҳиtidaгина тушунилиши ҳам баҳоланиши мумкин; аммо қиёсий адабиётшунослик нуқтаи назаридан эса у аслият билан ва ўша тилга қилинган бошқа таржималар билан ҳамда бошқа тилларга қилинган таржималар билан эса типологик ўхшаш ҳодиса сифатида чоғиштирилиши мумкин, улар ўртасидаги фарқ эса у ёки бу таржима амалга оширилаётган пайтда мавжуд бўлган турли ижтимоий меъёрлардан келиб чиқиб тушунилиши мумкин.

Адабиётлар рўйхати.

1. Швейцер А.Д. Перевод и лингвистика. - М., 1973. - 278 с.
2. Псурцев Д.В. К проблеме перевода и интерпретации художественного текста: об одном критерии адекватности Перевод и дискурс. Вестник МГЛУ. - М.:МГЛУ, 2002. - 463 с.
3. Комиссаров В.П. Общая теория перевода: Проблемы переводоведения в освещении зарубеж. - М. : ЧеРо : Юрайт, 2000. 132 с.
4. Большой Академический Словарь Русского Языка. Т.1,3. / Российская академия наук, Институт лингвистических исследований. - М.: СПб.: Наука, 2004. - 240 с.
5. Бондарко, А. В. Грамматическое значение и смысл. - Л.: Наука. Ленинградское отделение, 1978. - С. 165.